

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1 март куни амалий ташриф билан Боку шаҳрига келди.



Хайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Якуб Аюбов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрига келгач, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев учрашув ўтказди.

Озарбайжон етакчиси 2 март куни мамлакат пойтахтида бўлиб ўтадиган Қўшилмаслик ҳаракати саммитини қўллаб-қувватлагани ва унда шахсан иштирок этаётгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев, ўз навбатида, Озарбайжон ушбу тузилмага самарали раислик қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентлар олий даражада эришилган келишувлар иж-

росининг боришини батафсил кўриб чиқдилар. Тизимли ва самарали мулоқотлар туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилгани, амалий мазмун билан бойигани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 50 фоиздан зиёдга ошди. Автомобилсозлик, тўқимачилик саноати ва ипакчилик каби устувор тармоқлардаги кооперация лойиҳалари фаол паллага кирди. Нефть-газ, транспорт ва логистика соҳаларида истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтган биринчи Худудлар форуми доирасида қўшма Инвестиция фондини ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатларимиз эркин иқтисодий зоналарни ва солиқ маъмуриятчилиги тизимини ривожлантириш борасида ўзаро таъриба алмашишдан манфаатдорлиги таъкидланди.

Маданий-гуманитар алмашувни янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилиб, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Учрашув ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди.

2 март куни Бокуда энг йирик халқаро тузилмалардан бири — Қўшилмаслик ҳаракати саммити бўлиб ўтади. Тадбирнинг ялпи сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлайди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март куни Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Энтони Блинкен бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатлар кун тартибидagi долзарб масалаларнинг кенг доираси ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида Давлат котиби Энтони Блинкен давлатимиз раҳбарига Қўшма Штатлар Президенти Жо Байденнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

АҚШ Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашда қатъий экани яна бир бор қайд этилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ва ортга қайтмас тус олган демократик янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берилди, улар тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлашда, мажбурий меҳнатга қарши курашмишда, сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларда, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда ва қўллаб-қувватлаш бўлимида эришилган катта муваффақиятлар алоҳида қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва АҚШ ўрта-

сидаги қўп қиррали муносабатларда юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу жумладан, Стратегик ҳамкорлик бўйича самарали мулоқотни илгари суриш ва турли даражаларда сермахсул алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий, инвестицион ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш, Америка етакчи компанияларининг Ўзбекистон бозоридagi фаолиятини кенгайтириш, кооперация лойиҳаларини, энг аввало, юқори технологик тармоқларда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни, шу жумладан, мамлакатимизда ёшларга инглиз тилини ўқитиш ва малакали ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларини фаоллаштириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашилди. Қуни кеча "АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатлари" ("C5+1") форматига ўтган вазирлар учрашувининг амалий натижалари ижобий баҳоланди.

Минтақа мамлакатларининг барқарор тараққиётига қўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини такомиллаштириш, "яшил" энергетикани ривожлантириш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш каби йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Шу ойда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим кенгаши (TIFA) ййгилишига муҳим аҳамият берилмоқда.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида кенг халқаро ҳамкорликка оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу мамлакатдаги вазиятнинг кескинлашишига ва гуманитар инқирознинг авж олишига йўл қўйиб бўлмаслиги, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш учун БМТ майдонидан фаол фойдаланиш зарурлиги, шунингдек, тинчлик жараёнига ва Афғонистон иқтисодиётини тиклашга қўмаклашиш учун минтақавий инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги тўғрисида яқдил фикр билдирилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2023 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Баҳор ва табиат уйғонишининг тимсоли, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлган Наврўзи оламни баян ва катта шодийна билан нишонлаш азал-азалдан эл-юртимиз учун гўзал анъана ҳисобланади.

Халқимизнинг қўп асрлик эзгу қадриятларини, унинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ушбу кўптул айём мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига айланди.

Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яхшилик ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, атроф-муҳитни кўз қорачигидек асраб-авайлаш каби олижаноб ғоялар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг мақсад ва мазмунига тўла ҳамоҳангдир.

Ҳозирги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини

мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодимиз қалби ва онгида Ватанимизнинг бугуни ва келажагига дахлдорлик туйғусини кучайтиришда Наврўз байрамнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз яшашиш ва янгиланиш, меҳроқибат фасли сифатида эъзоэлайдиган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам деб эътироф этилган Наврўзнинг маънавий ҳаётимиздаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу айёмни миллий қадрият ва урф-одатларимизга уйғун тарзда, ҳар томонлама муносиб даражада нишонлаш мақсадида:

1. 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **“Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!”** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юксак савияда нишонлансин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ҚОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда давлат улуши мавжуд ҳўжалик жамиятлари ва давлат унитар қорхоналарида (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги қорхоналар) корпоратив бошқарувни жорий этиш, уларнинг операцион самарадорлигини ошириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттириш, шунингдек, давлат иштирокидаги қорхоналарнинг бозор механизмларига ўтишини жадаллаштириш мақсадида:

1. 2023 — 2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самарадорлиги оширилаётган давлат иштирокидаги йирик қорхоналар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигига (кейинги ўринларда — Стратегик ислохотлар

агентлиги) мазкур қорхоналарни ислоҳ қилиш вазифаси юқлансин.

2. Белгилансинки:

Стратегик ислохотлар агентлиги "UzAssets" инвестиция компанияси" АЖ (кейинги ўринларда — "UzAssets" инвестиция компанияси) ва мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги қорхоналарда давлат акция пакети (улуши) бўйича **акциядор (иштирокчи) функциясини амалга оширадиган** мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги қорхоналар устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) **"UzAssets" инвестиция компаниясига** бошқарувга берилди;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИДА ҚАТНАШИШГА СОДИҚДИР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қўшилмаслик ҳаракати раиси, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан, 2 март куни Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессиясида иштирок этади.

Биз ва жаҳон

Учрашув кун тартибидан пандемия оқибатларининг таъсири сақланиб қолаётган ҳамда халқаро хавфсизлик ва барқарорликка хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда қўп томонлама мулоқотни ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Қўшилмаслик ҳаракати Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Океания ва Европанинг 120 иштирокчи давлатини бирлаштирган, БМТдан кейинги иккинчи йирик сиёсий тузилма ҳисобланади.

Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига 1992 йил сентябрь ойида аъзо бўлган.

Ҳозирги кунда 18 давлат, 9 халқаро ва 2 миллий озолиқ ташкилоти ушбу тузилмада кузатувчи мақомига эга. Дунё нефть ва газ захираларининг 80 фоизи, ер ҳудудининг учдан бир қисми ва дунё аҳолисининг 55 фоизи Ҳаракатга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ташкилотнинг асосий вазифаси ривожланаётган мамлакатларнинг қўлқонлигини баргараф этиш ва камбағалликка барҳам бериш мақсадида барқарор ривожланишни таъминлашдан иборатдир.

Шу билан бирга, Ҳаракат ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам олиш, сармоя қиритиш, қарзларни реструктуризация қилиш, халқаро молия институтларини ислоҳ этиш, адолатли савдо шартловларини яратиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан, биринчи навбатда, БМТ тизимидаги ташкилотлар билан ҳаракатлар мувофиқлаштирилишини кучайтиради.

Нью-Йорк шаҳрида жойлашган, Женева, Вена, Париж, Гаага ва Найробида ўз бўлиmlарига эга бўлган Мувофиқлаштириш бюроси фаолияти Қўшилмаслик ҳаракати қўмиталари ва ишчи гуруҳлари ишини бошқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Ташкилот йўналишининг узулусизлигини таъминловчи муҳим механизм, бу аввалги, ҳозирги ва келажақдаги раислик қилувчи давлат ташки ишлар вазирлиги "учлиги"дир.

2019 йил 25-26 октябрь кунлари бўлиб ўтган Боку саммитида Озарбайжонга ўтган Ҳаракатга раислик ҳозирги кунларда низоҳасига етмоқда.

2

МАСАЛАЛАРГА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДАГИ АҲАМИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ЁНДАШИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, 2 март куни Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

Ялпи мажлисда бир қатор қонунлар ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқишлии режалаштирилган. "Рақобат тўғрисида"ги, "Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўққинлик қилганлиги учун жавобгарлик белгиланиши муно-

сабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўққинлик қилганлиги учун жавобгарлик кучайтирили-

ши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

2023 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Куйидагилар:
2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий кўмита таркиби** 1-иловага мувофиқ;
2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича **“Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқласин.
Ташкилий кўмита 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда ушбу айёмнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.
3. Байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:
Наврўз айёмига хос янгиланиш ва бунёдкорлик руҳини, она заминга меҳр ва эътибор, инсон ва табиат ўртасидаги ўйгунлиكنи ифода этадиган, кишиларни бугунги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, атроф-муҳит ҳамда унинг неъматларини асраб-авайлашга, эзгу орзу-мақсадлар билан яшашга ундайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;
мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва инсон қадрини улуғлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, дунёқарashiда юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан мувофиқ тарзда, таъсирчан бадийи воситалар орқали акс эттириш;
ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз байрами арафасида барча шаҳар ва қишлоқларда, овул ва маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўчаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;
халқимизга хос бўлган меҳр-муруват фазилатларини давом эттириб, мутарам нурунийларимизни ҳар томонлама эъозлаш, Меҳрибонлик, Муруват ва Саховат уйларида яшаётган кишиларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ўтказиш;
юртимизда миллатлараро дўстлик ва фуқаролараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадда амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижаларини, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва эллар вакиллари томонидан Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид тадбирларни ташкил этиш ва кенг ёритиш;
жойларда бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари, бадийи ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар ва бахшилар, шунингдек, истеъдодли анъанавий ижрочилар ва эстрада артистларини жалб этиш;
Наврўз сайилларининг дастурларини тайёрлашда қадимий урф-одатларимиз ва халқ ўйинлари, маданий меросимизнинг

ёрқин намуналари бўлган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш;
байрам тадбирлари доирасида хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, китоб расталари, кўча савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;
оммавий ахборот воситаларида Наврўзнинг тарихи ва моҳиятини, ҳудудларда, шунингдек, чет эллардаги ватандошларимиз давраларида байрамни нишонлаш бўйича шаклланган урф-одат ва анъаналарни кенг ёритиш.
4. Маданият ва туризм вазирлиги (О.А.Назарбеков);
Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Хожиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта мuddатда** Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;
мазкур концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларини жалб этган ҳолда юқори бадийи савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.
5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари **бир ҳафта мuddатда** Наврўз умумхалқ сайилларига ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари билан боғлиқ харажатлар:
Тошкент шаҳрида — республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомиёйлик хайриялари ҳисобидан қопланади.
7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.
8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 март

ЎЗБЕКИСТОН
МИНТАҚАВИЙ ВА
ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ
ҲАЛ ЭТИЛИШИДА
ҚАТНАШИШГА СОДИҚДИР

◀1

Ташқи ишлар ва-зи-рлари конференция-си ҳар уч йилда бир марта олий даражадаги саммитлар оралиғи-да ўтказилади.

1955 йилда бўлиб ўтган Осиё ва Африканинг Бандунг конфе-ренцияси давомида Қўшилмас-лик ҳаракати тузилган. Унга мустамлакачилик асоратидан озод бўлган ёш давлатлар за-монавий иқтисодиётини барпо этиш имкониятидан фойдаланиб, ўз тараққиёт йўлини излаётган бир даврда асос солинган.
“Дунёда тинчлик ва ҳамкор-ликни қўллаб-қувватлаш тўғриси-даги декларация” Бандунг кон-ференциясининг яқиний ҳужжати ҳисобланади. Ушбу ҳужжат тинч-тотув яшашининг ҳамда халқро муносабатларининг 10 та тома-йулини ўз ичига олган. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, БМТ Низомининг тамойиллари ва мақ-садларини, ҳудудий яхлитлиқни ҳурмат қилиш, халқро муноса-батларни эътирфот этиш, барча ирқ ва миллатларнинг тенг ҳуқуқчилигини тан олиш, интер-венция ва ички ишларга ара-лашшини рад этиш, БМТ Низоми-га мувофиқ, ҳар бир мамлакат-нинг индивидуал ва жамоавий мудофаа ҳуқуқини ҳурмат қилиш, бирон-бир қудратли давлатнинг шахсий манфаатлари учун жамоавий мудофаа битимлари-дан фойдаланишни ва бошқа мамлакатларга босим ўтказиш-ни инкор этиш, ҳудудий яхит-лиқка ёки сиёсий мустақилликка қарши тажовуздан воз кечиш, халқро низоларни тинч йўл бил-лан ҳал қилиш, ўзаро манфаат-лар ва ҳамкорликка кўмаклашиш, адолат ва халқро мажбурият-ларга содиқ бўлиш каби та-мойиллар Қўшилмаслик ҳарака-ти заминини ташкил этади.

Ташкилот ўтган асрнинг 70-йилларида ва 80-йилларнинг биринчи ярмида халқро миқёс-да ўзининг жуда катта таъсирини кўрсатишга муваффақ бўлган. Ўша кезлари тузилма томонидан илгари сурилган ташаббуслар кенг жамоатчилиқнинг қўллаб-қув-ватлашига муяссар бўлгани ҳолда бир неча маротаба БМТ, шунингдек, бошқа халқро фо-румлар қарорлари ва резолюция-ларининг асосини белгилеган.
Бирок ўтган асрнинг 90-йил-ларида Харакат совет Ўттифоқи-нинг парчаланиши ва “совук уруш”нинг тугаши натижасида юзага келган инқирозга дуч кел-ди, чунки ташкилотнинг яратилиш-ига асос бўлган ғоя бундай шароитда ўз долзарблигини йўқотганди. Кўпгина давлатлар Қўшилмаслик ҳаракатида ишти-

рок этишга бўлган қизиқишни йўқота бошлашди, баъзилари эса ундан чиқди.
Бундай ҳолатлар ташкилотни йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остида қолдириди. Шу нуқтаи назардан, Харакатнинг 1992 йил сентябрь ойида Жакартада (Индонезия) бўлиб ўтган олий даражадаги 10-форуми тарихий аҳамий қасб этди — унинг яқунлари бўйича тузилмага раислик Индонезияга ўтказилди (1992 — 1995). Жа-карта раислигидаги уч йил даво-мида Харакат мамлакатлари янги мезонлар ва концепцияларни ишлаб чиқишга, глобал дунёда ўзаро ҳамкорлиқнинг замонавий механизмларини яратишга му-ваффақ бўлди.

Қўшилмаслик ҳаракати ўз фаолиятини ядро қоралининг тарқалишига қарши курашиш, од-дий қуролланиш сакланиши ва мўъвознат таъминланиши, БМТни ислоҳ қилиш ва Хавфсизлик Кенгашини кенгайтириш синга-ри муаммобанд масалалар ҳал этилишига қаратади.

Қўшилмаслик ҳаракатининг Алоқа гуруҳи форматидagi сам-мити тадбир кун тартибига қи-ритилган масалаларни ҳал этиш-дан манфаатдор мамлакатлар иштирокидаги учрашув ҳисобла-нади.

“Алоқа гуруҳи” институти би-ринчи марта 1992 йил март ойи-дан БМТ шафелигидеа Болқондаги можорани ҳал қилиш бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириш мақсадида қўлланилган. Унинг таркибига АКШ, Россия, Буюк Британия, Франция ва Германия вакиллари қўрилган.
Бокуда бўлиб ўтадиган Қўшилмаслик ҳаракатининг нав-батиди саммити ҳам Алоқа гу-руҳи форматига эга. Ушбу анж-ман Қўшилмаслик ҳарақатига ра-ислик қилаётган (2019 — 2023) Озарбайжон ташаббуси билан 2020 йил 4 май кўни “Биз COVID-19га қарши туршида биргамиз” ғояси остида ўтказилган онлайн саммитнинг мантикий давоми бўлади.
Давлатимиз раҳбарининг Қўшилмаслик ҳаракати саммити-даги иштироки Ўзбекистоннинг замонавий тарихидаги биринчи иштирок бўлиб, мамлакатимиз-нинг халқро муаммоларни ҳал этиш, бутун дунёда тинчлик ва барқарор тараққиётга эришишда фаол қатнашишга, шунингдек, халқро шериклар билан кон-структив ўзаро манфаатли алоқа-ларни ривожлантиришга алоқа-ларни ривожлантиришга, ошқ-ташқи сиёсат юритишга бўлган содиқлигидан далolat беради.

«Дунё» АА.

2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири — унинг халқро миқёсдаги эътирофидир.
Ўзбекистон истиқолга эришганидан атиги олти ой ўтиб, 1992 йил 2 март кўни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Мана, ўттиз бир йил-дирки, БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида давлатимиз байроғи мағрур ҳилпираб турибди.

БМТ Низомида халқро тинч-лик ва хавфсизлиқни таъмин-лаш, тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш, адолат ва халқ-ро ҳуқуқ принципларига риоя эт-ган ҳолда халқро мунозаралар ёки низога олиб келувчи ҳолат-ларни ҳал этиш ташкилотнинг асосий мақсади эканлиғи бел-гиланган. БМТ Бош Ассам-блеясининг илк резолюцияси ҳам дунёда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган.

Бирлашган Миллатлар Таш-килоти — дунёдаги ағона, том маънода универсал халқро ташкилот. Ўзбекистон ўз ташки-сёбатининг устувор йўналиш-ларидан бири сифатида белги-ланган асосий халқро ташкилот билан ҳамкорликка катта аҳамий қаратади. Давлатимиз БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умум-жаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқро шартномалар-даги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, ўз зиммасига ол-ган мажбуриятларни оғишмай бажариб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекис-тоннинг БМТ билан ҳамкорлиги дунёга етти йилда мутлақо янги даражага кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ас-самблеясининг 72-сессиясида, 2020 йил 25 сентябрда видео-конференция шаклида ташкил этилган 75-йилбей сессиясида, шунингдек, 2021 йилда БМТ Ин-сон ҳуқуқлари бўйича кенгаши-нинг 46-сессиясида онлайн фор-матда ва Бош Ассамблеянинг 76-сессиясида маъруза қилди, уларда Ўзбекистоннинг халқро ва минтақавий хавфсизлиқни мустаҳкамлаш, таълим, маъна-вият, экология, туризмни янада

ривожлантириш, инсон ҳуқуқла-ри ҳимояси ва бошқа соҳалар-даги ташаббусларни эълон қилди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан “Марказий Осиё ми-нтакасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тарақ-қиётни таъминлаш бўйича мин-тақавий ва халқро ҳамкорлик-ни мустаҳкамлаш тўғрисида”, “Маърифат ва диний бағрикенг-лик”, “Барқарор туризм ва Мар-казий Осиёда барқарор тарақ-қиёт”, “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва тех-нологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”, “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюциялар қабул қилинди.

Шу билан бирга, БМТ ша-фелигида 2017 йилнинг нояб-рида Самарқанда “Марказий Осиё: бир ўтмиш ва умумий ке-лажақ, барқарор тараққиёт ва ўзаро фаровонлик йўлида ҳам-корлик”, 2018 йилнинг мартида Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик”, 2021 йилда Хивада “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари қорраҳасида” мавзуларида халқро форумлар ўтказилди.

Оролбўйи минтақаси учун ин-сон хавфсизлиғи бўйича кўп то-монлама шериклик асосида траст фонди тузилди. БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳуж-жати сифатида Пандемия дав-ридаги давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари халқро кодек-си тасдиқланди, унда ҳар бир давлатнинг фуқаролари ва халқро ҳамкорлари олдидаги

мажбуриятлари акс этиши кераклиғи белгиланган.

Бугунги кўнда Ўзбекистон БМТнинг барча тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқ-да, биргаликда турли йўналиш-ларда 200 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, камбағаллиқни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-минлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида кенг қўла-ми ислохотларни илгари суриш, гендер тенглик бўйича миллий стратегияни амалга ошириш, “яшил” энергетикани жадал ри-вожлантириш, инновациялар ва рақамли технологияларни жорий қилиш, инфратузилмани модер-низациялаш каби йўналишлар-даги қатор лойиҳалар шулар жумласидан.

Ўзбекистон ҳар доим минта-қавий ва халқро масалаларда БМТ ҳужжатларидаги ҳуқуқий мейёрларга риоя қилиш, турли зиддиятларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш за-рурлигини таъкидлайди. Бу — дунёда тинчлик ва хавфсизлик-ни таъминлаш мақсадида тузил-ган БМТнинг асосий фаолияти-га ўзига хос таънч ва қувват бўлмоқда. Шу боси ҳам БМТ Ўзбекистон билан муносабат-ларга алоҳида эътибор қарати-ш бегиж эмас. Чунки Ўзбекис-тон ҳар қандай вазиятда ҳам тинчлик, барча муаммоларни тинч ва сиёсий муокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдо-ри, ҳамкорлик ташаббускоридир.

Маълумки, 2015 йили БМТга аъзо давлатлар 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривож-ланиш кун тартибини қабул қил-ганди. Ўзбекистонда Барқарор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ
ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“UzAssets” инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ҳамда соф фойдани тақсимлаш масалалари юзасидан қарорлар белгиланган тартибда **келишилган ҳолда қабул қилинади**;
“UzAssets” инвестиция компанияси томонидан халқро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни жалб этиш энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Бунда улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;
давлат хизматчилари давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши таркибига киритилиши мумкин, ушбу корхоналар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш вазифалари юкланган давлат органларининг ходимлари (давлат органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларидан ташқари) бундан мустасно;
бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи миқдорида ўз моддий активларига эга бўлиш тўғрисидаги талаб “UzAssets” инвестиция компаниясига нисбатан таътиб этилмайди.
3. Стратегик ислохотлар агентлигининг “UzAssets” инвестиция компаниясига қуйидаги қўшимча вазифаларни юклаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:
иктисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарни **ислоҳ қилиш**, шу жумладан, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (**ESG**) **тамоийилларни жорий этиш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш**;
корхоналарнинг рентабеллиги ва операцион самарадорлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда **бизнес-жараёнларни оптималлаштириш**;
Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг корпоратив бошқарув бўйича тавсияларини жорий этиш орқали ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг **самарали бошқарилишини ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг қийматини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш**;
ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгашига маҳаллий ҳамда хорижий **малакали менежерларни жалб қилиш**.
4. Стратегик ислохотлар агентлиги ва “UzAssets” инвестиция компаниясининг давлат иштирокидаги

корхоналарни ислоҳ қилиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:
мазкур қарорга иловада келтирилган давлат иштирокидаги корхоналар томонидан давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар (бундан қонун ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказиладиган қисми мустасно);
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.
5. Давлат активларини бошқариш агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар икки ҳафта мuddатда мазкур қарорда назарда тутилган ўзларига тегишли акция пакетлари (улушлари) Стратегик ислохотлар агентлигига ўтказишларини таъминласин.
6. Стратегик ислохотлар агентлиги (Ш.Вафаев):
а) **бир ой мuddатда**:
“UzAssets” инвестиция компанияси ташкилий тузилмаси ва ички корпоратив ҳужжатларини тасдиқласин, ижроия органи ва кузатув кенгаши таркибини шакллантирсин;
“UzAssets” инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган ҳар бир корхонага консултантлар жалб қилинишини таъминласин ва корхоналарни ислоҳ қилиш графигини тасдиқласин;
Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин;
б) **икки ой мuddатда** “UzAssets” инвестиция компаниясининг самарадорлик муҳим кўрсаткичларини назарда тутган ҳолда, унинг бизнес-режасини тасдиқласин;
в) **2023 йил 1 июлга қадар** “UzAssets” инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг бизнес-режалари қайта кўриб чиқилишини таъминласин.
7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 март



ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш бўйича Мил-лий индикаторлар муваффақият-билан амалда таътиб этилмоқ-да. Мамлакатимиз БРМга эришиш бўйича ўзининг бирин-чи Ихтиёрий миллий шарҳни кенг жамоатчилик муҳокамаси-дан ўтказиб, БМТнинг Иктисо-дий ва Иқтимоий кенгашига тақ-дим этди.

2022 йилнинг 14 декабрь кўни БМТ Бош Ассамблеяси “Барқарор ривожланиш мақсад-лари (БРМ)га эришишни жадал-лаштиришда парламентлар ро-лини қулайтириш тўғрисида”ги резолюцияни бир овоздан қабул қилиш таклифи Президенти-миз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил-да БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган эди. Резолюцияда COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч қимчи эътибордан четда қол-дирмаслиқни таъминлаган ҳолда кенг қўламли, барқарор ва из-чил тикланишни қўллаб-қувват-лаш мақсадида ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорликка содиқлиқни мус-

таҳкамлашда парламентларнинг муҳим ўрни қайд этилади.

Бош Ассамблея давлат-ларни парламентларни қўллаб-қувватлашга, уларни БРМга эришиш бўйича келгуси фао-лият ва уларнинг эришилиши-ни кузатиш жараёнларига, ай-ниқса, ихтиёрий миллий маъ-рузаларни тайёрлашга жалб қилиш, шунингдек, миллий масъулият ва ҳисобдорлиқни таъминлаш ва қулайтириш учун уларга ёрдам беришга чақи-ради. Хотин-қизларнинг қонун чиқарувчи органлар ишида ва парламент жараёнларида таътиб, тенг ҳуқуқли ва таъси-рчан иштирокига кўмаклашиш орқали БРМга эришишни жа-даллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг марказий омили сифатида гендер тенг-

Ўзбекистон БМТ билан изчил ва фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз жаҳонда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, ривожланиш ва фаровонликка эришиш юзасидан амалга оширилаётган қўллаб эзгу ишларнинг ташаббускори. Бу, табиийки, юртимизнинг халқро майдондаги нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
шарҳловчи
(«Халқ сўзи»).

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда “Ўзбекистон — Миср: парламентлараро ҳамкорлик истиқбол-лари” мавзусида икки давлат ўртасидаги кўп қиррали алоқа-ларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда истиқболли лойиҳа-ларни амалга оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказди.

■ Давра суҳбати

Унда Сенат аъзолари, Қонунчи-лик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари инсти-тути ходимлари, шунингдек, омма-вий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

лар янада ривожланиб бормоқда.

Тадбир иштирокчилари давлати-миз раҳбарининг шу йил 20-21 фев-раль кунилари ушбу мамлакатга рас-мий ташрифининг аҳамияти хақида сўз юритиб, араб мамлакатлари, бу-сусан, Миср Араб Республикаси бил-лан кўп томонлама ва ўзаро ман-фаатли муносабатларни ривож-лантириш Ўзбекистон ташқи сиёса-тининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этдилар.

Ташриф давомида эришилган ке-лишувлар икки мамалакат ўртаси-даги сиёсий, савдо-иқтисодий, илм-фан ва маданий-гуманитар ҳамкор-лиқни янада жаллаллаштириш, ула-рни мутлақо янги босқичга кўтариш-га хизмат қилиши алоҳида таъкид-ланди.

Давра суҳбатида ташриф нати-жаларидан келиб чиққан ҳолда де-путатлар корпуси олдида қатор ва-зифалар турганлигига ҳам ургу бе-рилди. Аввало, икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-маъна-вий, сайёҳлик, жумладан, зиёрат ту-риزمи соҳаларида ҳамкорлиқни ри-вожлантириш бўйича эришилган аҳд-лашувларни ҳаётга таътиб этиш ғоят муҳимдир. Бунинг учун парламент назоратининг амалдаги механиз-мларидан унумли фойдаланиш зарур.

Шунингдек, икки давлат ўртаси-даги алоқаларни янада ривож-лантиришда парламентлараро муно-сабатларни кенгайтириш ҳам муҳим ўрин тутади. Бунинг учун икки мам-лакат парламентларидаги дўстлик

гуруҳлари фаолиятини жадаллашти-риш масалаларига ҳам эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир вазифа, Миср парламен-тининг қонун ижодкорлиги ва пар-ламент назорати йўналишидаги таж-рибасини чуқур ўрганиш, бу борада тизимли тадқиқотларни амалга оши-риш ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тадбирда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан тайёрланган “Миср Араб Республикаси парламен-ти” тўламли тақдимои ўтказилди.
Яқунда муҳокама этилган маса-лалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифа-лар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

МАСАЛАЛАРГА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДАГИ АҲАМИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ЁНДАШИЛДИ



←1

Рақобат муҳитини ҳимоялашда муҳим ўрин тутади

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида “Рақобат тўғрисида”ги қонунга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларнинг эркин ҳаракатлинишини таъминлаш, рақобат муҳитини ҳимоя қилиш, товар, молия ва рақамли бозорларнинг самарали фаолият кўрсатишига шaroит яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда 2012 йили қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табийи монополиялар тўғрисида”ги қонунлар бирлаштирилган ҳамда та-

бийи монополия ва устун мавқега эга субъектларга қўйиладиган талабларнинг аксарият қисми бирхиллаштирилган.

Қолаверса, қонун билан янги, яъни “монополияга қарши комплекс”, “молия бозори” тушунчалари киритилмоқда.

Шунингдек, рақобат муҳитига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган давлат томонидан кўрсатилаётган қўмак самарадорлигини баҳолаш орқали тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида қонунда давлат томонидан ёрдами берилишига ва тадбиркорлик фаолиятида давлатнинг иштирок этишига нисбатан рақобатни чеклаш каби талаблар киритилмоқда. Қонун билан Маъмурий жавобгар-

Болани чет элда назоратсиз қолдирганлик учун жазо белгиланмоқда

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Қонунга кўра болани чет давлат ҳудудига назоратсиз қолдирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланяпти. Яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган болани ота, она, уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат ҳудудига назоратсиз қолдирганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан эллик бараваригача даражада жарима назарда тутилмоқда.

Ушбу маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна худди шундай хатти-ҳаракат содир этганлик ёки чет давлат ҳудудига турган бола суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистонга қайтариллишини таъминламаганлик учун жиноий жавобгарлик қиритилмоқда. Хусусан, шундай қонун бузилишлари учун уч йилгача ахлоқ ту-

затиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Мажлисда маданият ва санъат таълимини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда юртимизда маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари сони ортди. Вазирилик тизимидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат лар ва маданият мактаби, мактаб-интернатлари, коллеж ва техникум ҳамда 5 та олий таълим муассасаси, уларнинг 4 та филиалида жами 113 миң нафардан зиёд ёшлар таҳсил олмоқда.

2022/2023 ўқув йилида умумтаълим муассасаларига қарийб 2,8 млн. нусха мусиқа адабиёти ва қўлланмалар етказилган. Барча олий таълим муассасалари кутубхоналари электрон кутубхона платформасига (unilibragy.uz) интеграция қилинган. Халқро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва алоқаларни мустахкамлаш мақсадида 20 дан зиёд таълим муассасалари ва ташкилотлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик шартномалари тўзлиб, 10 дан зиёд халқро илмий-назарий, илмий-амалий анжуманлар ўтказилган.

Тадбирда соҳада амалга оширилган шу каби ижобий ишлар билан бир қаторда, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлиги ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Жумладан, кинематография соҳасида таълим олаётган талабаларни тизимли равишда рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун Худойберган Девонов номидаги давлат стипендиясини таъсис этиш вазифаси ижроси таъминланмаган. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ўқув биноси шу кунга қадар фойдаланишга топширилмаган. Ботир Зокиров хотирасига бағишланган ёлгорлик мажмуаси ва музей фаолияти йўлга қўйилмаган, замонавий иқодий студиялар ва ахборот-ресурс маркази ташкил этилмаган. Боз устига, педагоглар илмий салоҳиятини ошириб бориш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Термиз шаҳридаги бахшчилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатига эса ўқувчиларга ушбу соҳада чуқурлаштирилган таълим беришни таъминлаш, уларнинг иқодий салоҳиятини намоён қилиш, таълим жараёнига замонавий ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илгор ютуқларни татбиқ этиш ишлари йўлга қўйилмаган. Мавжуд ўқув дастурлари талаб даражасида эмас. Ушбу муассаса кутубхонасида бор-йўғи 648 донa китоб бор, холос.

Йилгилишларда қўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Сир эмас, кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Муҳими, бу борада кенг қўламли ишлар рўйбга чиқарилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ҳар бир идорада фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш яхши анъанага айланди. Буни Олий Мажлис Сенатида доимий тарзда ўтказиб келинаётган фуқаролар қабуллари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жараён

Қайд этилганидек, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан аҳолини арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, 2022 йилда республикада 91 миң гектар майдондан 2 млн. тоннага яқин пиез этиштирилган. 2022-2023 йил қиш-баҳор мавсуми учун 93 миң тонна пиез захира қилинган бўлиб, шундан 32 миң тоннаси савдога чиқарилган. Таҳлилларга кўра, жорий йил 18 январдан 30 апрелга қадар аҳоли истеъмол талаби 346 миң тоннадан иборат. Таққилик ўртача 27 миң тонна атрофида ҳисоб-китоб қилинган. Ҳозирги кунда республика деҳқон бозорларида пиезнинг ўртача чакана нархи 6000 — 8500 сўмини, улгурчи нархи 5500 — 6500 сўмини ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби, республикада жорий йилнинг январь ойида бўлган аномал совуқ натижасида деҳқон бозорлари очик расталаридаги пиез маҳсулотлари музлаб қолган ва ноқулай об-ҳаво шароити натижасида тақлиф ҳажми пасайган.

Шунингдек, 2022 йил 3,4 млн. тонна картошка этиштирилган бўлиб, ички истеъмолдан ташқари қиш-баҳор мавсуми учун 1,9 млн. тонна картошка жамғарилган. 2022-2023 йил қиш-баҳор мавсуми учун 160 миң тонна саёзи захира қилинган бўлиб, 41 миң тоннаси савдога чиқарилган. Тадбирда шу каби ижобий саъй-ҳаракатлар билан бирга, айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолаётганили алоҳида айтиб ўтилди. Бунга мисол сифатида соҳада аниқ статистик маълумотлар етишмаслиги оқибатида маҳсулотлар интервенцияси миқдорини режалаштириш, бу борада самарали давлат сиёсатини юритиш, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экиш прогнозини ишлаб чиқишда хатоликларга йўл қўйилганлигини келтириш мумкин.

Яна бир мисол: прогноз кўрсаткичлар тўла бажарилган бўлишига қарамаддан 2022 йилда 2,8 млрд. долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилиниб, 2021 йилдагига нисбатан 37 фоизга ёки 755 млн. долларга ошган. Аҳолининг санитария меъёрларига кўра картошка истеъмоли 1,8 млн. тоннани ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинган бўлса-да, статистик маълумотларда жами 3,5 млн. тонна картошка етиштирилганлиги кўрсатилган. Статистик рақамлар нотўғрилиги сабабли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлар импорт ҳисобидан қопланмоқда. Масалан, 2022 йил 31 декабрь ҳолатига 532 миң тонна картошка импорт қилинган бўлиб, йиллар кесимида импорт даражаси ўсиб бормоқда. Утган йилда экиш учун 163 миң тонна уруғлик картошкани четдан олиб келиш режаланган бўлса-да, 116 миң тонна ёки 71 фоиз уруғлик келтирилмагани боис 22 миң гектар асосий майдонга картошка экилмаддан қолган.

Қўмита йиғилишида 2022 йил ҳамда 2023 йилнинг ўтган даврида асосий турдаги озиқ-овқат нархлари барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш борасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан прокуратура органилари томонидан ноқонуний ҳужжатларни қонунга мувофиқлаштириш бўйича 59 та протест келтирилганига ҳам эътибор қаратилди. Муҳокама мобайнида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқоры Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва экспертлар томонидан зарур тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

муаммоларга ечим излаб кўрилди.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун нормалари асосида ташкил этилган қабул жараёнида 50 дан зиёд фуқароларнинг муаммолари, талаб ва истаклари, фикр-мулоҳазалари тингланди. Икки нафар фуқаро муқаддам йўллаган мурожаат-

ти сенаторнинг қонуний аралашуви билан қаноатлантирилгани боис ўз миннатдорлигини билдирди. Ташкил этилган қабул жараёнида такроран мурожаат қилган 15 нафар фуқарога ҳуқуқий масалалар ва тушунтиришлар, муаммолар ечими юзасидан йўналишлар берилди. 35 нафар фуқаронинг мурожаатлари қабул қилиниб, тегишли иккo органларига юборилди ва бажарилиши қўмита назоратига олинди.

Мурожаатларнинг аксариятини уй-жой, моддий ёрдам, даволаниш, субсидия ажратиш, кредит тўловларига қобилиятсизлик, ишдан асоссиз равишда бўшатилганили, ер ажратиш билан боғлиқ юзага келган муаммолар ҳамда фуқароларнинг суд қароридан қаноатлан-

маганлиги билан боғлиқ масалалар ташкил этди.

Қабулга келган фуқароларга қонун талаблари, мурожаатларни қўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари ва бошқа бир қатор муҳим масалалар юзасидан тушунтиришлар ҳам берилди.

Яқунда мурожаатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиш ҳамда муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш борасида мутасадди вазирлар ва идоралар, худудлардаги масъул раҳбарларга тегишли мурожаатлар юборилди.

«Халқ сўзи».

ТАЛАБА ҚИЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалар қўмитаси томонидан аёлларнинг олий таълим олишлари учун яратилган имкониятларни тўғри йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш

бўйича амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларида иборат ишчи гуруҳ ташкил этилган эди.

Ўрганиш

Ўтган давр мобайнида мазкур ишчи гуруҳ вакиллари томонидан Исрол Қаримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар

университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўрганиш олиб борилиди. Ётоқхоналарда мавжуд инфратузилма, моддий-техника базаси ҳамда ўқишдан ташқари машғулотлар учун имкониятлар, шунингдек, талаба қизлар ётоқхонасида ҳал этиш чоралар-ресурс марказлари, мусиқа

асбоблари мавжудлиги, ногиронлиги бўлган талабалар учун яратилган шароитлар кўздан кечирилди.

Айтиш жоизки, биргина Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида 3 миңдан зиёд талабалар тахсил олади, шундан 80 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар 4 та факультетда 10 та йўналишда тахсил олмоқда.

Зилола ХОЛТЎРАЕВА.

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОШАДИ

Президентимиз томонидан имзоланган “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуннинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти катта. Мазкур қонун кучга кириши билан Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”-ги, “Мувофиқлиқни баҳолаш тўғрисида”ги ҳамда “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунлар ўз кучини йўқотади.

Қонун моҳияти

Янги қонун амалдаги халқро талаблар, жумладан, Европа Иттифоқи ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар тажрибалари асосида ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир. Янги қонун нормаларининг мақсади айнан халқро савдо-сотикни ривожлантириш ва ички бозорни бугунги замон талабларидан келиб чиқиб тартибга солиш ҳисобланади.

Қонунда истеъмолчиларни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш техник регламентларини ишлаб чиқишнинг асосий мақсадлари сифатида белгиланган бўлиб, маҳсулот хавфсизлиги талабларини белгилаш орқали фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлигини, атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда хариддорларни (истеъмолчиларни) чалғитадиган ҳаракатларнинг олдини олиш назарда тутилган.

Маҳсулотнинг хавфлилик даражаси унинг жамоат манфаатларига етказиши мумкин бўлган хавф (тахдид) даражаси ҳисобланади. Мисол учун, “юқори даражадаги хавф” деб давлат органларининг текзор аралашувини талаб қиладиган жамоатчилик манфаатларига таҳдид соладиган, шу жум-



ладан, оқибатлари дарҳол намоён бўлмайдиган ҳар қандай хавфга айтилади.

Қонунда мувофиқлиқни баҳолаш техник регламентларининг ажралмас қисми эканлиги қатъий белгиланган ва маҳсулот мувофиқлигини баҳолашда қўлланиладиган шакли, тартиб-таомиллари очиб берилди. Мувофиқлиқни баҳолаш (синновлар, ўлчовлар, мувофиқлиқни баҳолаш ва назорат) давлатга ўз фуқароларини хавфли ва сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилишдан ҳимоялашга шaroит тугдирадиган самарали воситадир.

Хавфсиз маҳсулот муомаласага чиқарилишини таъминлайдиган яна бир

элемент, бу — техник регламентлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати амалга оширилишидир. Давлат назоратининг “назорат ҳариди” шакли ҳаётда қўлланилиши ишлаб чиқарувчи ҳамда импортёрни бозорга доимий равишда сифатли маҳсулот чиқаришга ундовчи омил бўлиб хизмат қилади.

Қонун билан назорат этувчи органлар ўртасида бозорда муомалада бўлган юқори хавф даражасига эга маҳсулотлар тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш имконини бeрyвчи тизим яратилиши белгиланмоқда. Бу ички бозорни хавфли маҳсулотлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Хавфли маҳсулотлар учун текзор оғоҳлантириш тизими қўллаб давлатларда жорий этилган бўлиб, у бозорда хавфли маҳсулотлар тарқалишининг олдини олиш учун самарали тартибга солиш воситасидир. Мисол учун, Европа Иттифоқи давлатларида махсус текзор ҳабар бeришнинг “РАПЕКС” тизими амал қилади. Бизда ҳам шунга ўхшаш самарали тизим жорий этилади.

Қонун нормалари Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битими талабларига мувофиқдир.

Хусусан, инсон ҳаёти ва соғлиғи, хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофаза қилиниши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, истеъмолчилар манфаатини таъминлашга қаратилган нормалар техник регламентларда белгиланиши ва уларнинг ҳукумат томо-

нидан тасдиқланиши каби меъёрлар акс эттирилди.

Бу техник регламентларнинг халқро (минтақавий) стандартлар асосида ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Маҳаллий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз халқро стандартлар талаблари асосида тайёрланса ва синовдан ўтказилса, бу уларнинг экспорт географиясининг кенгайишига хизмат қилади. Савдодаги техник тўсиқлар минимал даражага тушиши натижасида Европа бозорлигига ҳам экспорт ҳажмини ошириш имкониятларимиз кўпаяди.

Бундан ташқари, қонуннинг 12-моддасида давлат органлари ҳузурида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тузилиши ва улар техник регламентлар лойиҳаларини, уларга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, амалдаги техник регламентларни бекор қилиш бўйича тақлиф, ҳулосалар тайёрлаш белгиланган.

Эксперт комиссиялари фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиқни таъминлаш мақсадида техник регламентлар ишлаб чиқишда хусусий сектор фикрлари ҳам инобатга олинган. Яъни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясининг таркибига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари билан бир қаторда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларидаги тадбиркорлик субъектларининг вакиллари киритилиши шартлиги ўрнатилган.

Маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказиш, мувофиқлиқни декларациялаш, яъни ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, со-

тувчи ёки импорт қилувчи томонидан ўз дилиллари асосида маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш шакллари белгиланди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар учун қўшимча қулайликлар яратди.

Халқро амалиётдан келиб чиқиб, техник регламентларни ишлаб чиқувчилар бир вақтнинг ўзида уларни қўллаш бўйича услубий тавсияларни яратиши, қоидаларни тушунтириши белгиланмоқда. Бундай тартиб тадбиркорларнинг техник регламентлар талаблари ҳақида ўз вақтида тушунчага эга бўлиш, уларни тўғри қўллаш имкониятларини кенгайтиради.

Мувофиқлиқни баҳолаш техник регламентларнинг ажралмас қисми сифатида белгиланиши тадбиркорлик субъектларини маҳсулот мувофиқлигини баҳолашда ортикак вақт сарфлашдан асрайди. Энг муҳими, маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш жараёнида коррупциявий ҳолатлар юзгага келишидан тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилади.

Умуман олганда, мазкур қонун маҳаллий маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишга, истеъмолчиларни чалғитадиган ҳаракатлар ҳамда савдо-сотикдаги техник тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини кўтаришга замин яратди.

Улугбек ВАФОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Эшитув



АҲОЛИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНЯПТИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш, аҳолига сифатли дори воситаларини етказиб бериш, фармацевтика тармоғидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасалари арзон фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, фармацевтика тармоғини ривожлантиришга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фар-

мацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Концепция доирасида, 2020 йилда 2,4 трлн. сўмлик, 2021 йилда 3,6 трлн. сўмлик, ўтган йилда 4,1 трлн. сўмлик фармацевтика маҳсулотлари, яъни ҳар йили 300 турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жорий этилди. Натижада, ўтган йилда стоматология, онкология, токсикология ҳамда пульмонология гуруҳларига кирувчи дори воситаларини маҳаллийлаштириш даражаси ошган.

Шунингдек, Инвестиция дастурига киритилган 42 та инвестициявий лойиҳа доирасида, 2020 йилда 83,3 млн. доллар маблағлар жалб қилиниши ҳамда умумий қиймати 31,5 млн. долларлик 10 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 437 та янги иш ўрни яратилган. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 103 та фармацевтика корхонасида халқро ва миллий стандартлар жорий қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, ўтган йил давомида 77212 турдаги дори воситалари ва 12714 та тиббий буюмга мувофиқ сертификатлари расмийлаштирилган бўлса, ҳисобот даврида атиги 315 турдаги 7128563 шартли ўрам дори воситалари ва тиббий буюмлар сертификатлаштириш жараёнида номувофиқлиги аниқланган. Қўмита йиғилишида депутатлар дорихоналарда аксарият ҳолларда дори воситалари шифокор рецептисиз бeриляётгани, вазирлик томонидан дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ноҳўя реакцияларни қайд қилиш етарли йўлга қўйилмагани, яъни 2022 йилда республика бўйича фақатгина 397 та хабарнома қайд этилганлигини танқид остига олишди.

Шунингдек, мамлакатимизда фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун етарли хомашё базаси мавжудлиги, яъни 4500 га яқин ўсимлик турлари бўлиб, 750 турдаги доривор ўсимликлардан фақатгина 70 таси қўлмаллик корхоналар томонидан ишлатилаётгани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Тадбирда депутатлар фармацевтика соҳасининг ривожланиши мамлакатимиз аҳолисини арзон ва сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини яхшилашнинг асосий омилларидан бири эканлигини қайд этдилар. Аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, қўндалик шарт-шaroитдан келиб чиққан ҳолда қонун ва қўноқоти ҳужжатларининг ижросини мунтазам ўрганиб бориш, амалиётда юзага кeляётган, ўз ечимини қўлга келтириш мақсадларини бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар берилди.

Қўн тартибидидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

